



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 15 февраль, № 34 (7536)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 февраль куни мева-сабзавотчилик кластерларини самарали ташкил қилиш, пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштириш тизимидан босқичма-босқич воз кечиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт ривожи, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири. Шу боис уни замон талаблари, стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш чоралари қўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Олий Мажлисга Мурожаатномада барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам аниқ йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

2025 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 100 миллиард доллар, йиллик экспортни 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткичларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жуда катта резерв ва имкониятлар мавжуд.

Мева-сабзавот экспортни тизимли ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан экспортёр ўртасида ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида мева-сабзавотчилик ва узумчилик ҳам кластер тизими жорий қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 декабрдаги қарори билан бу борадаги барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди.

Видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчилик ва узумчилик кластерлари фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳофизат қилинди. Аввало, тизимдаги шартномавий муносабатларни тўғри шакллантириш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспортчининг манфаати, мажбурияти ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Кластерлар тақлифлари асосида экспортёр экинларни жойлаштириб, зарур уруғлик, кўчат, минерал ўғит, ёқилғи масаласини ҳал қилиш ва уларнинг таъминотини тизимли йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Жойларда кластерлар фаолиятини самарали ташкил этишга виллоятлар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари шахсан масъул этиб белгиланди.

Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарларининг ўринбосарларидан бири мева-сабзавотчилик клас-

терларини айланма маблағлар билан таъминлаш ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга масъул бўлади.

— Кластерлар фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад — экспорт ҳажмини ошириш. Бунинг учун эса янги бозорлар топиш керак. Бозор бўлмаса, экспорт ҳам бўлмайди, кластер тизими ҳам ривожланмайди. Шунинг учун чет эллардаги талабни мунтазам ўрганиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспортда ичкиликни таъминлаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

“Ўзбекиковкатхолдинг” компаниясига ташкил этилаётган ҳар бир кластер билан индивидуал ишлаб, экспорт шартномаларини чуқур таҳлил қилиш, айланма маблағлар ажратилишини ҳисобга олиб, қўшимча шартномалар тузишга кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда виллоятлар ҳокимлари мева-сабзавот кластерларини ташкил қилиш, бозорбоп маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлаш, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш борасидаги режалари юзасида ахборот берди.

Пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштириш тизимидан босқичма-босқич воз кечиш масалалари ҳам йиғилишда атрафлича муҳофизат қилинди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Маълумки, бу борадаги биринчи қадам сифатида қолипчи нон, ун, бугдой, чигит, пахта ёғи нархи эркинлаштирилган эди. Бунга пахта тайёргарлик кўрилгани натижасида нархларда кескин ўзгариш кузатиладди. Пахта ва галлага давлат буюртмасини бекор қилиш масаласида ҳам Жаҳон банки экспертлари иштирокида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Бу йил қишлоқ хўжалигида катта ислохотларни бошлаяёмиз. Ҳокимлар бу масалани чуқур тушуниб, ичига киришлари шарт. Энди орқага йўл йўқ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини эркинлаштириш, манфаатдорлигини ошириш, иқтисодий

ўсиш ва самарадорликка эришиб бўлмайди, — деди Президентимиз.

Йиғилишда кластерлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам атрафлича таҳлил қилинди.

Адлия ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларига кластерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш юзасида кўрсатма берилди.

Пахта етиштиришнинг амалдаги тизими фермерлар ва кластерлар ўртасида молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш келтириб чиқармоқда. Бу, бир томондан, пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга маблағ етишмаслигига олиб келса, иккинчидан, пахта етиштирган фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Шу боис кластерларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни алоҳида фаолият тури сифатида кредитлаш тизимини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган жойларда пахта тозалаш заводлари негизинда фермерлар кооперациялари йўлга қўйиладиган бўлди. Бу таърибда Туркияда ўзини оқлаган. Ушбу тизимнинг энг муҳим жиҳати — фермерлар нафақат пахта хом ашёсини, балки уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни (тола, чигит, шрот, шелуха) сотишдан ҳам манфаатдор бўлади.

Яна бир аҳамияти, пахта етиштиришда рақобат шаклланди. Кластерлар ва кооперативлар ўртасида рақобат бўлса, бундан факатгина фермерлар, яъни ер эгалари — деҳқонлар манфаатдор бўлади.

Пахта ва галла етиштиришда давлат буюртмаси бекор бўлса, илгаригидек режа ортидан қувши барҳам топади. Эндиликда ҳокимлар халқ депутатлари Кенгаши билан бирга экин ерларидан самарали фойдаланиш ва экин турларини тўғри жойлаштиришга масъул бўлади. Улар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш, ирригация тармоқларини таъмирлаш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ушбу мақсадларга ажратилаётган маблағлар ва субсидиялардан самарали фойдаланиш ишларини ташкил этади.

Деҳқонларга сервис хизмати кўрсатиш, зараркунандаларга қарши курашиш, пахта йиғим-теримида механизация даражасини ошириш чораларини ҳам кўради.

Видеоселектор йиғилишида галла ҳосилини ғамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, галлани давлат эҳтиёжи учун мажбурий сотиб олиш тизимидан давлат захиралари тизимида ўтилмоқда ва фермерларга галлани эркин сотиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу масала озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлгани боис давлатга мажбурий галла сотиш тизими икки босқичда бекор қилиниши режалаштирилган.

Бу йил етиштириладиган галла ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган ҳажми камайирилади. Яъни мамлакатимиз бўйича бу йил қўшимча 1 миллион тоннадан ортиқ галла фермерлар ихтиёрида қолади. 2021 йил ҳосилидан бошлаб эса давлатга галла сотиш режаси тўлиқ бекор қилиниб, маҳсулотни бозор нархларида сотиб олиш йўлга қўйилади.

Президентимиз бу ўзгаришларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Видеоселектор орқали жойлардаги кластерлар раҳбарлари билан мулоқотда лимончиликни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари лимон етиштириш сердаромад соҳа эканини таъкидлаб, ҳудудларда лимонзорлар ташкил қилиш юзасидан ўз тавсияларини берди. Ушбу мақсадлар учун “Туронбанк” АТБ томонидан 100 миллион доллар миқдорда кредит маблағлари ажратилиши белгиланди.

Ер ажратилган борасидаги муаммолар кўриб чиқилди. Суғориладиган майдонларни талон-торғоқ қилишга ҳалқ кўйиш, ҳар бир қарин ердан халқ манфаати йўлида самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жойлардаги мутасаддиларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилди. Йиғилишда муҳофизат қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари, ҳудудлар ва тармоқлар раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

ДУНЁ НИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус

Таниқли сиёсатчилар ва экспертлар:

«ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ»

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси муҳим тарихий воқеа бўлди. Унда давлатимиз раҳбари республикамизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётига оид ўта муҳим масалаларга тўхталиб, жорий йил ва келгуси беш йилликдаги ривожланиш стратегиясини белгилаб берди. Мурожаатномада илгари сурилган тақлиф ва ташаббусларга россиялик таниқли сиёсатчилар ва экспертлар ўз муносабатларини билдиришмоқда.



Михаил ФЕДОВ, Россия Федерацияси Президентини собик маслаҳатчиси, РФ Президентини ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг собик раиси:

Таъминлашга катта эътибор бераётгани диққатга созаовордир.

Ўзбекистонга ташрифларимиз давомида Президентинг Халқ қабулхоналари фаолиятини, уларнинг фуқаролар учун мунтазам очиклиги, турли масалаларда ватандошларга маслаҳат ва ёрдам бериши мени ҳайратда қолдирган. Мазкур ноёб тизимда ҳуқуқ-тартибот идоралари, прокуратура, маҳаллий ҳокимияти вакиллари ва солиқ хизмати-нинг доимий ишлаши фуқа-

ролар мурожаат қилиши мумкин бўлган деярли ҳар қандай масалаларни ҳал этишга имкон беради. Биз ҳам Россияда фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиладиган ва ҳужжатлар бериладиган кўп функцияли марказлар тизимини жорий қилдик. Ўзбекистондаги Халқ қабулхоналарининг ўзига хослиги шундаки, улар нафақат хизмат кўрсатади, балки одамларнинг реал муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Леонид ХОЛОД, иқтисодий фанлари доктори, Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирининг собик ўринбосари:



— Давлатингиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида пахта ва галла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтиш ҳақида билдирган ташаббусини олқишлайман.

Ушбу қарор қабул қилинишидан олдин республикада пахтани қайта ишлаш корхоналарини ривожланти-

ришни рағбатлантириш бўйича жиддий сайё-ҳаракатлар олиб борилди. Мамлакатда пахтани қайта ишлаш саноти изчил ривожланаётгани унга ички бозорда талаб борлигидан далолат беради. Хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш эса аҳолининг тўловчанлиги қобилияти мавжудлигини кўрсатади. Бундай вазиятда давлат қайта ишловчи корхоналар ва бирламчи хом ашё



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Оролбўйи минтақаси учун тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудуд аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва кўламини ошириш, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан ўзаро мустақам интеграциясини таъминлаш, соҳадаги илгор ютуқ ва инновацияларни даволаш-таълим жараёнига жорий этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг;

Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали негизинда **Қорақалпоғистон тиббиёт институтини** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникасини (кейинги ўринларда — Институт клиникаси) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. Куйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: узлуксиз тиббий-касибий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш; фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётини мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, **тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини** босқичма-босқич жорий этиш;

таълим муассасаси ва Институт клиникаси **илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш**, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг нудузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишларини таъминлаш;

хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар **академик мобиллиги дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини** ривожлантириш;

талабаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда **ёт ғоя ва мафкура-ларга қарши иммунитетни мустақамлаш**;

моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустақамлаш, **симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини** замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

(Давоми 2-бетда).

Янги Ўзбекистон — янги парламент

ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИГА ОЛИНДИ

Қайси ижтимоий объектлар бошқаларга қараганда кўпроқ ёрдамга муҳтож? Ил охирида давлатдан пул сўрашга мажбур бўлмаслик учун маҳаллий бюджет маблағларини қандай қилиб тўғри тақсимлаш керак? Депутатлар халқ орасига янада яқинроқ кириб бориши учун қандай имкониятларни ишга солиши зарур? Шу ва шунга ўхшаш қўллаб-қувватлаш халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳофизат қилинди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирок этди.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари кун тартибига Қарши тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тизимини боғлиқ олти дотзарб масалани киритди. Улар орасида ҳудудда жиноятчилик билан боғлиқ кўрсаткичларни камайтириш, жалб қилинаётган инвестицияларни янада яхшилаш учун зарур мутахассисларни тайёрлаш каби масалалар ҳам бор.

Сессияда тумандаги мактабга таълим ва мактаб муассасаларини таъмирлаш ҳамда қайта қуриш борасидаги ишлар танқидий кўриб чиқилди. Масалан, баъзи мактаблар амалда нисбатан таъмирга муҳтож бўлмасида, қандайдир тарзда бўлган таълим муассасалари рўйхатида қиради. Ҳақиқатан ҳам, капитал таъмирталаб мактаблар эса бу рўйхатдан четда қолиб кетади. Депутатлар туман миқёсида таъмирланиши лозим бўлган ижтимоий соҳа объектлари рўйхатини бирма-бир ўрганиб, жорий йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Бундан ташқари, сессия ишида тумандаги таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш натижалари ҳам муҳофизат қилинди. Депутатлардан тузилган тегишли комиссия ҳудуддаги умумтаълим мактабларини ўрганиб чиқди. Туманда уларнинг сони 70 га яқин бўлиб, афсуски, бирида ошхона, иккинчисидан спорт сари, учинчисидан мусиқа асбоблари етишмайди. Бевоҳита таълим жараё-

ни, ўқувчилар учун яратилган шароитлар, ўқув сифатини яхшилаш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

— Сессиядан бир неча кун олдин ҳудудимизда мавжуд тиббиёт муассасаларидаги аҳолини ўрганиш бўйича комиссия тузилди, — дейди халқ депутатлари Қарши тумани Кенгаши депутати Феруза Аҳмедова. — Биз 12 та тиббий муассасанинг фаолиятини билан танидик. Уларнинг ҳар бирида бир неча камчилик борлиги маълум бўлди. Тиббий ҳимоя воситаси ва бир марталик бахилларнинг етишмаслигидан тортиб то кўпол қондабузарликларгача. Масалан, туман марказий шифохонаси реанимация бўлимининг тез ёрдам хонасида, эрталаб соат 8 да юракдаги ўткир оқиб билан касалхонага олиб борилган беморга соат 11 гача тиббий ёрдам кўрсатилмаган. Нима учун бундай бўлди, деб сўраганимизда, аввал тиббий карта очиб, тегишли қозғоларни тўлдириш кераклиги айтилди. Шундан кейингина текширув ўтказилди, унга тиббий ёрдам кўрсатилди.



ЭСКИЧА ҚАРАШЛАР

ИСЛОХОТЛАР ТОМИРИГА БОЛТА УРАДИ

Бугун ислохотлар барча жабҳада жадал тус олмақда. Белгилаб берилган устувор вазифалар аниқ. Фақат уни оғишмай, ўз вақтида бажариш ҳар биримизнинг олий бурчимиздир.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси нафақат парламент палаталарига, балки юртимиз ҳар бир фуқаросига тааллуқлидир. Чунки унда барча соҳада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳам ўзининг илк амалий ҳаракатларини ҳудудлардаги бевосита таълим, маданият ва спорт соҳаларига оид бўлган, лекин ўз эчимини ханузгача кутиб турган бир қатор масалаларни ўрганишдан бошлади. Жараёнда қўмита аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Наманган, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятларига ташриф буюриб, у ердаги мавжуд вазият билан яқиндан танишдилар.

Қўмита аъзолари ҳудудлардаги учрашувлар якуни бўйича қатор тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билан қайтишди. Уларнинг айримлари бу ҳақда сўзлаб беришди.

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Белгилансинки: Институт Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтга қабул ҳар йили белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида амалга оширилади;

Институт клиникаси муассиси Институт ҳисобланади ҳамда унинг фаолияти Институт томонидан мувофиқлаштирилади;

Институт ва Институт клиникаси — юридик шахс мақомига эга бўлган, тегишлича давлат олий таълим муассасаси ва давлат тиббиёт муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий газна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валюталардаги банк ҳисобварақларига эга бўлади;

Институт клиникаси бош шифокори яширин овоз бериш йўли орқали Институт илмий кенгашининг тақдиминомасига кўра, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Институт ректори Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқига эга: таълим жараёнини самарали ташкил этиш, даволаш ишларига замонавий усуллари татбиқ этиш ҳамда талабалар ва профессор-ўқитувчиларга кўшимча шароитлар яратиш мақсадида Институт клиникаси ва ўқув базаларидаги ўқув хоналарини таъмирлаш, жиҳозлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Институт клиникасида юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш усуллари жорий этиш ҳамда Институтга қўшимча маблағлар тушириш мақсадида Институт клиникаси билан ўзаро шартномалар асосида ҳамкорликда пуллик асосда тиббий хизматлар кўрсатиш бўлиминини ташкил этиш.

5. Институт клиникаси фаолияти:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ташхис қўйиш (диагностика) ва даволаш стандартларига риоя қилган ҳолда имтиёзли тоифага кирувчи беморларга ордер бериш, уларни шифохонага жойлаштириш ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобига даволаш қиймати тўлаш, шунингдек, аҳолига пуллик асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож беморларни шифохонага жойлаштириш;

республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини молиялаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар асосида ташкил этилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, Институт клиникаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига бириктирилган давлат мулкidan самарали фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

Институт билан келишилган ҳолда лавозимлар рўйхати ва сонини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш.

7. Қуйидагилар:

а) Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари; талабаларнинг тўлов-контракт асосида таълим олишидан, шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тўшадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари; қўнун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Институт клиникаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини маблағлари; амалга оширилган ва кўрсатилган тиббий хизматлардан тўшадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари; қўнун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини маблағлари Институт клиникасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳақиқатда имтиёзли даволанган беморлар бўйича Институт клиникаси тақдим этган чораклик ҳисоботлардан келиб чиққан ҳолда ажратилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: бир ой муддатда олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар асосида Институт тузилмаси белгиланган тартибда тасдиқлансин;

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг барча талабалари Институтнинг мос таълим йўналиши ва мутахассисликларига ўтказилиши ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломи берилиши;

Институт клиникасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 майдаги "Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ф-4947-сон фармойиши асосида барпо этилган бино ва иншоотларга жойлаштирилишини тасминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва бошқа тиббиёт олий таълим муассасалари томонидан уларнинг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Институтда масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш, шунингдек, Институт клиникасида телемедицина имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббиёт амалиётларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мафратдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қўнун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва

қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов — ушбу қарор ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар чорақда улар раҳбарларининг ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги А. К. Шаҳманов — Институт ва Институт клиникаси фаолиятини самарали ташкил этсин, мазкур қарорни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бурсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ. Р. Сариев — ташкил этилаётган Институт клиникаси жойлаштирилиши, унинг бино ва иншоотларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Қўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А. Д. Хаджаев — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ҳамда Оролбўйи минтақаси учун юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, худуд аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва кўламини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни мунтазам ёритиб бурсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 14 февраль

Таниқли сиёсатчилар ва экспертлар:

«ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ»

Виктория ПЕРСКАЯ, Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича тадқиқотлар маркази директори:



ликни таъминлаш, республика аҳолиси фаровонлигини изчил ошириш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилгани ҳам қувонарли ҳолдир.

— Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси Ўзбекистон тарихида янги даврни белгилаб берди. Президент мамлакатдаги вазиятнинг ҳар томонлама ва кўп омилли таҳлилини тақдим этди. Жумладан, давлат тараққиётининг ҳуқуқий ва институция-

нал асосларини қамраб олди, давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш бўйича муҳим тақлифларни билдирди. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги кўламини кенгайтириш, ички сиёсий рақарор-



Станислав ПРИТЧИН, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Марказий Осиё, Кавказ ва Урал-Волгабўйи минтақасини ўрганиш маркази илмий ходими:

— Президент Шавкат Мирзиёев ўз Мурожаатномасида шаҳар агломерациясини ривожлантириш ва рўйхатга олиш тизимини ислоҳ қилишни тақлиф этди. Бу мамлакатнинг урбанизация да-

ражасини ошириш, фуқаролар ижтимоий-демографик ҳолати ва турмуш шароитини яхшилашга ёрдам беради. Ўзбекистон раҳбарининг сайёҳликни иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айлантириш бўйича тақлифларини алоҳида қизқиш билан ўргандим. Мамлакатингиз тарихдан минтақа марказида жой-

лашган, дунё маданий меросида алоҳида ўрин тутадиган кўплаб осори-атика ва номоддий маданий мерос объектларига эга. Шавкат Мирзиёевнинг сайёҳлик инфратузилмасини тақомиллаштириш тақлифи айни йўналишда ЮНЕСКО билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни кўзда тутгани диққатга сазовор.

Виктория ПАНФИЛОВА, "Независимая газета" шарҳловчиси:

— Шавкат Мирзиёев ўз нутқида сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларини сарҳисоб қилиб, келажак учун стратегик режаларни белгилаб берди. Хусусан, инвестиция соҳасини янада ривожлантириш учун самарали муҳитни яратиш, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар тақдим этиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлик имкониятларини кенгайтириш, тиббий хизматларни ривожланти-

риш устувор йўналишлар сифатида таъкидланди. Шуниси ҳам аҳамиятга моликки, Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёт тарзини юксалтириш вазифасини шунчаки нафақалар бериш билан эмас, балки тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, фуқароларнинг қобилиятлари ва салоҳиятини сафарбар этиш, иш ўринлари яратиш ва таълим тизимини тақомиллаштириш орқали амалга оширишни тақлиф қилди. Ўзбекистон раҳбари мамлакат иқтисодий ўсишининг дивертатели бўлган кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш



муҳимлигини қайд этди. Коррупция муаммосига алоҳида эътибор қаратилиб, Президентнинг коррупцияга қарши кураш бўйича алоҳида органини ташкил этиш тақлифи давлат иқтисодий-ижтимоий ўсиши ва унинг ижобий имижини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Эхтиром

«БОРИ ЭЛҒА ЯХШИЛИГ ҚИЛҒИЛКИ, МУНДИН ЯХШИ ЙЎҚ»

Мамлакатимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги кенг нишонланди.

Буюк бобомиз туғилган маскан — Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги боғда ўтказилган тадбирда кенг жамоатчилик, турли вазирлик ва идоралар, миллий маданий марказлар, ижодий ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, сўз санъати муҳлислари, талаба-ёшлар қатнашди.

Шоҳ ва шоир, буюк саркарда, давлат арбоби, олим, таржимон Заҳириддин Муҳаммад Бобур бутун башариятга улкан ижодий-маънавий мерос қолдиргани таъкидланди. Унинг асарларини дунё ахли ўқиб ўрганоқда, тадқиқ этмоқда.

Тадбир доирасида Мирзо Бобур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Вилоят театри санъаткорлари томонидан улуғ шоир ҳаётига бағишланган сахна кўринишлари намойиш этилди, ёшлар Бобур газалларидан намуналар ўқиди.

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди биносида ўтказилган илмий конференцияда улуғ аждодимиз адабий меросини, илмий-баддий фаолиятини ўрганиш, асарларини юртимизга олиб келиш ва чоп қилиш, бобурийлар яратган дурдона ёдгорликларни тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Рампуз Раза кутубхонасида Мирзо Бобур ва бобурийларга оид кўплаб қўлэмалар ҳамда китоблар сақланади, — дейди Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Хиндистондаги бўлими раҳбари Саид Нақи Аббос. — Уларнинг рўйхатини тузиб, Ўзбекистонга олиб келдим. Булар, асосан, форс тилидаги манба-



лардир. Кутубхонамизда хали араб, урду ва бошқа тиллардаги адабиётлар борки, улар аждодларингизнинг бебаҳо мероси, амалга оширган бекбёс ишлари ҳақида сўзлайди.

*** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ташкил этилган тадбир «Бори элға яхшилиг қилғилки, мундин яхши йўқ» деб номланди. Унда ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда миллий тикланишдан — миллий оксалиш сари олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар сиёсатини Бобур шахсияти, унинг миллий адабиётимиз, тарихимиз, санъат ва маданиятимиз, дунё цивилизациясигаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Адабиётшунос олимлар, бобурийшунос улуғ бобомизнинг бой илмий ва адабий мероси ҳақида сўз юритди. — Афғонистон тарихи-

ни, югурофиясини, халқимизнинг қадрият ва аъналарини ўрганишда "Бобурнома" асосий манбалардан биридир, — дейди афғонистонлик олим Тошқин Баҳойи. — Сабаби буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Бобур Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хиндистон маданиятини янада юксалтиришда катта ўрин тутган шахслардан саналади. Шу боис биз, афғон халқи ҳам ҳамиша Бобур таваллудини катта адабиёт, маънавият байрами сифатида нишонлаймиз, шоирни, унинг асарларини тадқиқ этамиз, қадрлаймиз.

Адабий кечада шоирнинг газал ва рубойларидан намуналар ўқилди. Ниҳол муқофоти совриндори Илёсбек Арабов томонидан Мирзо Бобур газали билан айтилган кўшиқ йиғилганларга хуш кайфият бағишланди.

Шоҳ ва шоир таваллуди санаси мамлакатимизнинг барча худудига кўтаринки руҳда нишонланди.

Саидхонид ШУКУРОВА, Юлдаш ҲАМИДОВ («Халқ сўзи»).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Тонг юдузи" гезетаси бўлим муҳаррири, шоир Ахтамқули ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори Жумахўжа Нусратулло Бобур ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Бобомиз ижодининг жаҳон адабиётинида тугган ўрни, дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган асарлари, газал ва рубойларининг ёш авлодни юртга садоқат руҳида тарбиялашда аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

— Миллий маънавий меросимизнинг улуғ намоянаси, маънавий жасорат

тимсоли бўлган Бобур сўнмас иродали инсон сифатида тарихимизда ўчмас из қолдирган буюк шахс, — деди филология фанлари доктори Ж. Нусратулло. — Унинг ижодига хос ватанпарварлик, жасурлик, юксак ҳимматлилик, бошқарувда беназирлик, жангчилар кўнглига йўл топиш, адолат қилиш, одамларга фаровонлик соғиниш каби улуғ қилликлари барчамизга ўрнақдир. Айниқса, адабиёт, тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқага оид кўплаб асарлари бизга тарихимиз ҳақида батафсил маълумот беради. Тадбирда "Бобурнома" асари мазмун-моҳияти ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Абдулғазиз МУСАЕВ, ЎЗА муҳбири.

Меҳнат ярмаркаси

БИТИРУВЧИЛАР ИШ ТОПИШ, ТАШКИЛОТЛАР БЎЛҒУСИ КАДРЛАРНИ САРАЛАШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИ

Олий таълим муассасаларини тамомлаётган ёш мутахассисларга мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар бериш ва уларнинг бандлигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир.

Тошкент молия институтида ана шу мақсадда ёшлар учун "Карьера кунлари" меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк ҳамда юз-

дан ортқ қорхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбирда талабалар иш беришлари билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига ҳам эга бўлди.

— Бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультетининг 4-босқич талабаси-ман, — дейди Давлатбек Дўсбеков. — Мазкур меҳнат ярмаркаси биз, битирувчилар учун айни муддао бўлди. Тадбирда иш беришчи қорхона, ташкилотлардаги мавжуд бўш ўринлар, у ердаги шарт-шароитлар, иш ҳақи миқдорлари ҳақида билиб олдик. Мен "Тошкентномасулотлари" акциядорлик жамияти вакилларига ўз маълумотларимни қол-

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ («Халқ сўзи»).

УЙ, АВТОМОБИЛЬ ЁКИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА КЕРАКМИ?

Унда сизга Халқ банкининг янги хизматлари қўл келади.



Режалаштирилган ишнинг амалда кимгадир нафи тегса, жамият ривожига ҳисса қўшса, яъни ижтимоий аҳамияти юқори бўлса, бу барча учун фойдали ҳисобланади. Шу маънода, сўнгги вақтларда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан мижозлар ҳамда аҳоли манфаатини кўзлаб ишлаб чиқилаётган янги хизматларнинг тобора оммалашиб бораётгани диққатга сазовор.

УЗОҚ МУДДАТ ПУЛ ЖАМҒАРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

“Режали тўлов кобренднинг картаси” эса эгасига банк томонидан белгиланган қарз маблағлари доирасида ҳамкор ташкилотлардан истеъмол товарлари сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Мухими, қарз маблағлари банкка фойдаланиш шартлари асосан тўлаб борилади. Қарз миқдорининг иш ҳақидан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаригача 1 йил муддатга берилди. Бу орқали ҳам рўзгор кам-кустани тўлдириб оласиз, ҳам маиший техника сотиб олиш учун узоқ муддат пул жамғариб юрмайсиз. Олинган қарзни бўлиб-бўлиб қайтарасиз. Бунда ҳам сарфланган маблағ учун ҳеч қандай фойз тўланмайди.

қатор қулайликлар тақдим этилмоқда. Хусусан, мазкур карта эгалари банк томонидан белгиланган кредит лимити (10 млн. сўм) доирасидаги маблағлардан имтиёзли давр (30 кунда) фойзсиз фойдаланади. Имтиёзли даврда кредит суммаси тўлиқ қайтарилмаганда, кредит маблағларидан фойдаланган давр учун йиллик 36 фойз миқдорда фойз ундирилади. Кредит карта 5 йил муддатга очик кредит линияси билан берилди. Бу қутилмаган харажатлар учун, айниқса, жуда асқатади. Ойлик маошни кутиб ўтирмайсиз. Маблағни бир ой давомида қайтарсангиз, фойз тўламайсиз. Мухими, оилада молвий тақчиллик сезилмайди.

Жисоний шахслар учун очик кредит линияси. Бу кредит линияси мижозга 3 йил-



га “Револьвер” тартибда 2 йил имтиёзли давр билан ажратилади. Мазкур кредит базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаригача ажратилади. Йиллик 36 фойз. Кредитнинг афзаллиги шундаки, 3 йил давомида кредит тўлиқ (ёки қисман) қайтарилган тақдирда ундан яна фойдаланиш мумкин ва кредитнинг фойдаланилмаган қисмига фойз ундирилмайди. Демак, режалаштирилган ишингиз учун бировдан қарз олмайсиз. Кредитдан уч йил давомида бемалол фойдалана оласиз.

ОДДИЙ, ЛЕКИН КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖЛАР УЧУН НИҲОЯТДА ЗАРУР

Банк томонидан амалиётга жорий этилаётган ҳар бир янги хизмат аниқ мақсадлик кўзлайди. Улар оддий, лекин кундалик эҳтиёжлар учун ниҳоятда зарур. Айтайлик, сиз замонавий маиший техника харид қилмоқчисиз, танишингиз тўй ёки бошқа маросим ўтказмоқчи, яна кимингизир узоқ йиллардан буён машина ёхуд уй сотиб олишни ният қилиб юрибди-ю, маблағдан қийналиб турибди. Халқ банкининг янги хизматлари худди шундай вазиятларда ёрдам бера олади, деб бемалол айта оламиз. Чунки улар, юқорида таъкидлаганимиздек, барча учун қулай шартларда тақдим этилади. Масалан, **“Пенсия овердрафт картаси”** хизматини олайлик. Ушбу карта пенсия олувчининг хоҳишига кўра, 5 йил муддатга бепул очиб берилди ва унинг эгаси зарурат бўлганда, навбатдаги пенсияси келгунча банкнинг “овердрафт” кредитидан фойдаланган ҳолда, пенсиясининг 50 фойзи миқдорига пул олиб туриши мумкин. Кредит 12 ой муддатга, ойига 1,6 фойз миқдорига устама билан тақдим этилади. Эътиборлиси, фойзини фақат ишлатган сумма учун тўлайсиз, холос. Яъни агар, сизнинг пенсиянгиз бир миллион сўм ва ушбу хизмат ёрдамида 500 минг

сўм кредит олгансиз. Бироқ унинг 250 минг сўмини сарфлагансиз. Шунда сиз фақат 250 минг сўм учун устама тўлайсиз. Қолган маблағ пластик картангизда тураверади.

Бундан ташқари, “Пенсия овердрафт картаси” орқали барча турдаги тўловларни тўлаш, нақд пул ечиб олишингиз ҳам мумкин. Нақд пулни Халқ банки кассалари ёки банкоматларидан есангиз, ҳеч қандай фойз ундирилмайди. Яна бир эътиборга молик жиҳати, “Пенсия овердрафт картаси”даги қолдиқ маблағларга йиллик 8 фойз миқдорига даромад қўшилади. Демак, пулингиз ҳеч қандай ҳаракатсиз кўпайиб боради.

Хўш, бунинг ижтимоий аҳамияти нимада? Мазкур хизмат туфайли, аввало, кексаларимиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Уларни учун зарур нарсалар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки дори-дармон сотиб олади. Соғлиғини тиклайди. Моддий жиҳатдан муҳтожлик сезмайди.

Ҳозирги кунгача банк томонидан 343 мингдан ортиқ мижозларга “Пенсия овердрафт картаси” очиб берилган. Шундай экан, сиз ҳам банкнинг ушбу хизматидан фойдаланинг! Афсусланмайсиз, ақинча, манфаат топасиз.

ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ

Ўзбекистоннинг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига нақд пулни қандай юборишди? Топдингиз. Кўпинча таниш ёки нотаниш қирақашлар орқали “почта” қилинади! Аммо бу хар доим ҳам ишончли ва тўғри қарор эмас.

Жўнатилган пул “қачон етиб боради”, деган хавотирларга Халқ банкининг **“UzPay”** тизими чек қўядиган бўлди. Чунки банкнинг барча филиалда мамлакатимиз бўйлаб **“UzPay”** тизими орқали миллий валютадаги пул маблағларини жўнатиш ва қабул қилиб олиш имконияти жорий этилди. Ушбу тизим орқали Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан иккинчи жойга пул юборишингиз мумкин. Пул ўтказмасининг энг кам миқдори 10 минг сўм, энг юқори қиймати белгиланмаган.

Тизимнинг қулайлиги нимада? Биринчидан, ишончли. Уртада пуллар йўқолиб қолмайди. Турли хавотирлар ўринсиз. Иккинчидан, тезкорлик. Яъни қаердан юборсангиз, бир зумда олувчига етиб боради. Ушбу ўтказма нақд ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Барча ўтказмалар учун 1 фойз хизмат ҳақи олинади. Мижоз ушбу ўтказма орқали банкнинг исталган филиалдан маблағларни жўнатиши ҳамда ҳоҳлаган филиалдан олиши мумкин.

Банкоматдан картани тўлдириш. Одатда, пластик картадан нақд пул ечиб оламиз. Лекин сизда ортиқча нақд пул бор ва уни, аксинча, пластик картага ўтказиб қўймоқчисиз. Хўш, шунда нима кам миқдори 10 минг сўм, энг юқори қиймати белгиланмаган.

Қисқаси, қўлингиздаги нақд пулнинг пластик картада бўлишини хоҳлагансизми, бунинг ҳам имкони бор. Халқ банкининг **“Cash-in”** банкоматлари орқали Халқ банки карта ҳисоб рақамини тўлдиришингиз мумкин. Бунинг учун картани **“Cash-in”** банкоматига жойлаб, “картани тўлдириш” тугмасини босиб, картага кириш қилиниши керак бўлган суммани киритсангиз kiffo. Бир зумда истагингиз амалга ошади.

Қисқаси, бугун Халқ банки мана шундай оддий, лекин замонавий ва талабгир хизматлари билан халқ орасига чуқур кириб боряпти. Бу — давр талаби. Чунки ҳозир рақобат даври. Мижозлар ва одамлар эҳтиёжи билан ҳисоблашиб фойдали юритиш эса рақобатда ютиб чиқилишнинг энг устувор вазифасидир.

ОРЗУИНГИЗ РЎЎБИГА ЁРДАМ БЕРАДИ

“Trade-In” автокредити. Бу автомобилга қизиқувчилар учун жуда яхши янгилик. “Узавтосаноат” АЖнинг расмий дилерларида эски машиналарни янгисига алмаштириш имконияти яратилганидан хабарингиз бор. Аммо сизда орадаги фарқни тўлашга маблағ етмайпти. Худди шу вазиятда сизга мазкур кредит қўл келади. Гап шундаки, эски автомобиль техник қўриқдан ўтказилиб баҳолангач, “Trade-In” автокредити ёрдамида янги автомобиль нархи ўртасидаги фарқ бўйича шартнома тузилади ва банкда автокредити расмийлаштирилади. Орадаги фарқ суммаси банк томонидан “Trade-In” марказига ўтказилади ва сиз янги автомобилга эга бўласиз. Яна бир яхши томони, бунда бошлангич тўлов талаб этилмайди.

Мазкур кредит 12, 24 ҳамда 36 ойга берилди ва фойз миқдори мос равишда 28, 29 ҳамда 30 фойзини ташкил қилади. Гаровга янги автомобилнинг ўзи қўйилади. Автокредитини расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳам жуда кам. Мижоз ва унинг паспорти, “Trade-In” маркази ўртасида тузилган шартнома ҳамда кафилик, холос. Қарабсизки, янги автомобиль соҳибчисиз.

Мазкур хизмат туфайли бир қанча нуқулликларнинг олди олинади. Аввало, сизнинг янги автомобилга сотиб олиш орузингиз ушалади. Эски автомобилни сотиш учун овозра бўлиб юрмайсиз. Бу ишларни ортиқча ҳужжатбозлик ва расмиятчиликлардан холи амалга оширасиз.

“Expat Home” ипотека кредити. Халқ банки нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ишлайётган фуқароларимизга ҳам қулайлик яратишга интиломоқда. “Expat Home” ипотека кредити шундай сай-ҳаракатлар самарасидир. Яъни ушбу хизмат ёрдамида фуқаро хорижда ишлаб туриб ҳам мамлакатимиздан кредитга уй-жой сотиб олиши мумкин. Мазкур ипотека кредитидан доимий даромад манбаига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролари фойдаланиш имкониятига эга. Бунинг учун банкка мижознинг ўзи ёки қонунда белгиланган тартиб-

да ишончнома берилган вакили муражаат этиши лозим.

Ипотeka кредити қайтариш-ликлик, тўловлик, таъминланганлик ва мuddатлик шартларида яқна тартибдаги уй-жойни ёки қўп квартирани уйдаги қўп квартира қийматининг камида 25 фойзи миқдоридидаги ўз маблағига эга бўлиши керак.

Ўзбекининг асосий орузларидан бири уй қуриш, тўй қилиш, машина олиш. Бу каби орузлар хорижда ишлашга кетган минглар, балки миллионлар юрдошларимизда ҳам бор. Улар чет элда ишлаб толган пулларини уйга юборишди, оила аъзолари эса уша пулларни йиғини бошлайдилар. Лекин “рўзгор — фўр” деганларидай у пуллар кўпинча сарфланиб кетади. Не-не умидлар билан ишлаб, қайтиб келган оила бошлиқи қараски, пуллар йўқ ёки “чўғи” жуда кам. Бунга ҳолат ҳақида тез-тез эшитиб тураемиз. Халқ банки таклиф этаётган “Expat Home” ипотека кредити эса аини шундай ҳолатларнинг олдини олиши билан аҳамиятлидир.

Айтиб ўтганимиздек, кўмас мулк ёки автомобиль харид қилиш учун хорижда ишлайётган юрдошларимиз ҳам йўқ эмас. Аммо уларда хар доим ҳам имконияти сотиш учун овозра бўлиб юрмайсиз. Бу ишларни ортиқча ҳужжатбозлик ва расмиятчиликлардан холи амалга оширасиз.

Халқ банки томонидан тақдим этилаётган **“Expat Car”** автокредитлари бунда жуда қўл келади. Бу орқали хорижда ишлайётган фуқароларимиз уша ернинг ўзидан туриб кредитга машина сотиб олиши мумкин. Яъни энди чет элда ишлаб, пул йиғиб, узоқ муддат қутишингиз шарт эмас. Ҳам ишингизни давом эттириш, ҳам машинали бўлиш имкониятига эгасиз.

Автомашина сотиб олиш учун кредит қўйидаги шартларда берилди: кредит муддати 36 ой, имтиёзли даври 1 ой ҳамда бошлангич тўлови умумий сумманинг 35 фойзини ташкил қилади.

Юнус БЎРОНОВ,
Банк ахборот хизмати раҳбари.

Хизматлар лицензияланган.

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача),
занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Ғилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). **Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**

Маҳсулотлар сертификатланган.

KAFOLAT 12 OY UZLUKSIZ ISHLASHIGA, 5 YIL BEPUL XIZMAT

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ!

100

дарддан халос этувчи ноёб даволаш профилактика ускунаси

Электр сандал «PGS-032» (танча) табиий ва экологик тоза материал — сополдан ясалган ноёб ускуна.

Маълумки, сопол иссиқни яхши сақлайди ва инсон танасига хуш ёқади, турли касалликларни даволовчи, олдин олувчи таъсир кўрсатади.

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. **Тел.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53.** www.pgs.uz

Йирик ва кичик корхоналар раҳбарлари диққатига!

«PGS» корхонаси инновацион технология асосида ишлаб чиқарилган, энергия тежамкор, кафолат муддати узоқ ҳамда кафолат муддатидан сўнг хизмат кўрсатиш мавжуд бўлган маиший ва саноат иситкичларини таклиф қилади.

ISITKICHLARI

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. **Тел.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53.** www.pgs.uz

«Yangi Angren IES» АЖАА

Иссиқлик механик ва электротехника ускуналарини сошлаш пудрат ташкилотлари ўртасида тендер ўтказилмоқда.

Тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборинг:
Тошкент вилояти, Нуробод шаҳарчаси, «Yangi Angren IES» АЖ.

Алоқа телефонлари: коммутатор 71-236-65-25, 98-809-68-22 (ИЧТБ бошлиғи 24-765), 93-615-52-44 Умирзақов Бекзод Бахтиярович.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўялонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлаб-қўлаб такрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6